



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SHARQ" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SHARQ" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.02.2003

03-000779

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201051699

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

to monidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik xaqida
ma'lumotnoma

11.06.2018 r

	O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi 201051699, SHARQ	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi <i>O'zgarishlarsiz</i>
2	THSh Aksiyadorlik jamiyati	THSh <i>O'zgarishlarsiz</i>
3	Faoliyat yuritish manzili Toshkent shahri , Mirobod tumani , Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy , ,	Faoliyat yuritish manzili <i>O'zgarishlarsiz</i>
4	IFUT Matbaa faoliyatining boshqa turlari	IFUT <i>O'zgarishlarsiz</i>

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	0	AKSIYADORLAR	4 737 719 763.00	100.0 %
Ustav fondi 4 737 719 763.00 UZS				100.0 %


O'zgarishdan keyingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	0	AKSIYADORLAR	4 298 964 831.00	100.0 %
Ustav fondi 4 298 964 831.00 UZS				100.0 %

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

Imzo : DJURAYEVA MUKADDAS YUSUPOVNA





«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi ochiq aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining 2014 йил 27 июндаги умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»



**«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ
(янги таҳрир)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi (матн давомида Компания деб номланади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги 2000 йил 16 октябрдаги ПФ-2737-сонли Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 2000 йил 23 октябрдаги 411-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси(ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси)нинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига айлантириш ҳақида»ги 2001 йил 13 мартдаги 28к–ПО-сонли буйруғига асосан давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан ташкил этилган.

Компания даставвал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 21 июлда 1428-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Компания Тошкент шаҳри, Миробод тумани ҳокимининг 2003 йил 10 февралдаги 217-сонли қарорига асосан қайта рўйхатга олинган ва 2003 йил 14 февралда 03-000779-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.3. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

ўзбек тилида: «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati;
рус тилида: Акционерное общество Издательско-полиграфическая акционерная компания «SHARQ».

Компаниянинг қисқартирилган фирма номи:

ўзбек тилида: «SHARQ» NMAK AJ;

рус тилида: АО ИПАК «SHARQ».

1.5. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Компания чекланмаган муддатга тузилади.

1.6. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлади.

Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.8. Компаниянинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Компаниянинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Индекс: 100000.

Электрон почта манзили: info@sharq.uz.

Компаниянинг расмий веб-сайти: www.sharq.uz.

Компания ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.9. Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.10. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.11. Компания филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.12. Компания қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.13. Компания корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Компания, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

II. КОМПАНИЯНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Компания тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

2.2. Қўйидагилар Компания фаолиятининг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади: республикада нашриёт-матбаа ишини янада ривожлантириш ва сифатини ошириш; аҳолининг юқори сифатли матбуот маҳсулотига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, нашриёт-матбаа маҳсулоти бозорини шакллантиришда фаол иштирок этиш; хўжалик юретишнинг бозор усулларини кенг жорий этиш, компаниянинг молиявий-иқтисодий ўсишини таъминлаш;

матбаа ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга хорижий сармояларни жалб этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, илғор хорижий технологияларни матбаа соҳасига тадбиқ қилиш.

Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Компания қўйидаги фаолият турларини амалга оширади:

Ноширлик-матбаачилик тармоғи бўйича:

барча турдаги нашриёт маҳсулотларини тайёрлашни, ишлаб чиқариш ва реализация қилишни амалга ошириш;

даврий нашрлар;

нодаврий нашрлар;

ўқув-услубий ва ижтимоий аҳамиятга молик адабиётлар;

этикеткабоп маҳсулотлар;

тасвирий маҳсулотлар (таквимлар, буклетлар, открыткалар, плакатлар, совғабоп жажжи нашрлар ва бошқалар), акцидент-бланка маҳсулотлари (бланкалар, товар-илова қилинадиган ҳужжатлар ва бошқалар);

халқ истеъмол моллари, ёзув-чизув маҳсулотлари (канцелярия китоблари, дафтарлар, гувоҳномалар, бланкалар, ташрифномалар, қутибоп, ўрамалаш ва бошқа нашриёт маҳсулотлари)ни чоп этиш.

Ноширлик фаолияти бўйича:

газеталар ва журналлар таҳририятлари, Бош таҳририят, нодаврий матбуот ва реклама марказининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, қўлёзмаларни нашрга тайёрлашни амалга ошириш;

газета-журнал рекламаси ва эълонларини таҳририй жиҳатдан тайёрлаш.

Ноширлик-матбаачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан ташқари Компания қўйидагиларни амалга оширади, жумладан:

халқ истеъмол молларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, турли хилдаги ишларни бажариш ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга хизматлар кўрсатиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, реклама ишларини мустақил равишда ҳамда ўзи ташкил қилган марказлар, фирмалар, ташкилотлар ва ўз таркибидаги масъулияти чекланган жамиятлар орқали реализация қилиш;

қурилиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш;

автотранспорт ва темир йўл хизматлари кўрсатиш;

савдо, тижорат ва воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

юкларни омборларга жойлаштириш, сақлаш, юклаш ва тушириш бўйича хизматларни тавсия этиш;

воситачилик (дилерлик, брокерлик), агентлик хизматларини кўрсатиш;

ахборот, консалтинг, маркетинг, инжиниринг хизматларини кўрсатиш;

ярмаркалар ва кўргазмалар ташкил этиш ва ўтказиш;

улгуржи ва чакана савдо;

умумий овқатланиш объектларини ташкил этиш;
спорт-соғломлаштириш мажмуалари, спорт заллари ва спорт майдончалари ташкил этиш ва улардан фойдаланиш; фуқароларнинг спорт ва маданий ҳордиғини, жумладан: стол тенниси, бильярд, шахмат, шашка ва бошқа ўйинларни уюштириш;
кўнгилочар тадбирлар (караоке, дискотека, танловлар ва бошқалар) ташкил этиш;
кўргазма-савдолар ташкил этиш;
хайрия тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, хайрия мақсадларига пул ўтказиш.

2.3. Компания юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг қонунчиликка зид келмайдиган бошқа турлари билан шуғулланиши мумкин.

2.4. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

2.5. Компаниянинг ташқи иқтисодий фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Компания қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

минтақалараро ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

МДХ ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни келишилган нархлар ва тарифлар ва прејскурантларга асосан сотиш;

республика ва ундан ташқари ҳудудларда шўъба корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар, ишлаб-чиқариш цехлари ва шахобчалари, ҳамда бошқа янги корхоналарни тузиш, таъсис қилиш ва тугатиш;

ўқув марказлари билан келишилган ҳолда, малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларини ўтказиш;

қўшма фаолият шартномасига асосланиб, Компания ва унинг филиалларининг фаолиятига чет эл инвестицияларини жалб этиш (шу ҳолда олинган фойданинг тақсимоли шартномада белгиланади);

Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари ҳудудларда юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги битимларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларини ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш ва уларни ижарага бериш ва олиш;

уюшма, иттифоқ, консорциум, акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларга аъзо бўлиш;
белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлаш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини айирбошлаш;

ўзининг ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустақил равишда ўз қарамоғи (баланси) дан мол-мулк, қарз, камомад, фойдаланишга яроқсиз автотранспорт воситалари ва механизмларни шунингдек бошқа зиёнларини чиқариш ва белгиланган тартибда сотиш;

Компания Устави томонидан белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом-ашё, материаллар, транспортни сотиб олиш;

қимошди савдоларида, савдо ва мусобақаларда қатнашиш;

ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;

қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни ташкил этиш.

3.2. Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

3.3. Компаниянинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Компаниянинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3.4. Компаниянинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан Компанияда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Компаниянинг Бош директори томонидан белгиланади.

IV. КОМПАНИЯ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Компаниянинг устав фонди акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Компаниянинг устав фонди 4 737 719 763 (тўрт миллиард етти юз ўттиз етти миллион етти юз ўн тўққиз минг етти юз олтимиш уч) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1743 (бир минг етти юз қирқ уч) сўм бўлган 2 650 188 (икки миллион олти юз эллик минг бир юз саксон саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 67 953 (олтимиш етти минг тўққиз юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияга бўлинган.

Компания устав фондидаги таъсисчиларнинг (акциядорларнинг) ҳиссалари ва уларнинг фоизлардаги нисбатлари:

давлат улуши – устав фондининг 95 фоизини ташкил қилувчи 4 500 833 862 (тўрт миллиард беш юз миллион саккиз юз ўттиз уч минг саккиз юз олтимиш икки) сўм миқдоридagi 2 582 234 (икки миллион беш юз саксон икки минг икки юз ўттиз тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция;

жисмоний шахслар – устав фондининг 5 фоизини ташкил қилувчи 236 885 901 (икки юз ўттиз олти миллион саккиз юз саксон беш минг тўққиз юз бир) сўм миқдоридagi 135 907 (бир юз ўттиз беш минг тўққиз юз етти) дона акция, шундан:

67 954 (олтимиш етти минг тўққиз юз эллик тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция, 118 443 822 (бир юз ўн саккиз миллион тўрт юз қирқ уч минг саккиз юз йигирма икки) сўм;

67 953 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция, 118 442 079 (бир юз ўн саккиз миллион тўрт юз қирқ икки минг етмиш тўққиз) сўм.

4.3. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) Компания мол-мулкининг Компания кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

а) Компаниянинг устав фондини кўпайтириш

4.4. Компаниянинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.5. Кўшимча акциялар эълон қилинган Компания Уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.6. Компания 1 743 000 000 (бир миллиард етти юз қирқ уч миллион) сўм миқдорида 1 000 000 (бир миллион) дона номинал қиймати 1743 (бир минг етти юз қирқ уч) сўм бўлган кўшимча эълон қилинган акция чиқаришга ҳақли.

4.7. Компания устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорга чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

4.8. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда ўтказилади.

4.9. Компаниянинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Кўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб кўйилади.

б) Компаниянинг устав фондини камайтириш

4.10. Компания устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.11. Компания устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Компания устав фондининг Компания Уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

4.12. Компания устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Компания Уставига

тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Компания устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Компаниянинг акциялари оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

5.2. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденднинг миқдори акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизини ташкил этади.

Имтиёзли акциялар эгалари Компания тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

Жойлаштирган имтиёзли акцияларни Компания томонидан олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

5.3. Компания қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

5.4. Компания акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

5.5. Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.6. Компаниянинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

5.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.8. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Компаниянинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисида қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда,

молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Компания Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.10. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Компания акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

VI. КОМПАНИЯНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Компанияда соф фойда ҳисобидан устав фондининг 20 (йигирма) фоизи миқдорида захира фонди тузилади. Компаниянинг захира фонди ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг захира фонди Компаниянинг зарарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда, мажбурий ажратмалардан тикланади.

Компаниянинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Компанияда бошқа фондлар ташкил этилиши мумкин.

VII. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Компанияни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув Кенгаши;

Ижроия органи (Бош директор).

VIII. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Компания Кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Компания Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги

низомда белгиланади.

8.2. Компания ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

8.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

8.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Компанияни қайта ташкил этиш;

Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Компания Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Компания устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Компания тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низоми тасдиқлаш;

Компаниянинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Компания Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

Компания Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;

Компания тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;

акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда сотиб олишда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар тузиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Компания томонидан аффилиланган шахс билан битимларни маъқуллаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши мумкин.

8.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компания Ижроия органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш яқунлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатда акциядорлар эътиборига етказилади.

IX. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Компания Кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Компания Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ иш юритади.

9.2. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат.

9.3. Компания Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Компания Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
Компаниянинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилланган шахслар иштирокида битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Компания устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

Компания устав фондиди кўпайтириш билан боғлиқ Компания Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда Компаниянинг Бош директорини лавозимига тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Компания Бош директорини ўринбосарини лавозимига тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Компаниянинг Бош директорига (ижроия органига) тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни миқдорини белгилаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

қимматли қоғозларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш матнини тасдиқлаш;

Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Компания Кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

9.4. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компания ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.5. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва Компания уставда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Компания Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Компания Бош директорини Компания Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Компания

Кузатов кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Компания Кузатов кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Кузатов кенгаши тўғрисида”ги низомда белгилаб қўйилади.

9.6. Компания Кузатов кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг Кузатов кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания Кузатов кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.7. Компания Кузатов кенгашининг раиси Кузатов кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатов кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Компания Кузатов кенгаши ўз раисини Кузатов кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Компания Кузатов кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатов кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Компания Кузатов кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатов кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.8. Компания Кузатов кенгашининг мажлиси Кузатов кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания Кузатов кенгаши, тафтиш комиссияси, Бош директорнинг талабига кўра чақирилади.

Компания Кузатов кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Компания Кузатов кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

Компания Кузатов кенгашининг мажлисини ўтказиш учун Компания Кузатов кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Компания Кузатов кенгаши аъзоларининг сони Компания Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Компания Кузатов кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатов кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Компания Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.9. Компания Кузатов кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатов кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида, Компания Уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

9.10. Компания Кузатов кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатов кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Компания Кузатов кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатов кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Компания Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

9.11. Компания Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Компания Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

X. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Компания Бош директори томонидан амалга оширилади.

Компания Бош директори қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи (Бош директор) тўғрисида"ги низом асосида иш юритади.

10.2. Компания Бош директори белгиланган тартибда Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10.3. Компания Бош директорининг ваколатларига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Компания Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Компания Бош директори Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Компания Бош директори Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

10.4. Компания Бош директори ваколатига қуйидагилар киради:

Устав ва Компания Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Компаниянинг ишига раҳбарлик қилади;

Компания номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Компаниянинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

Компания мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг мол–мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;

штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди, Компания ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди.

Компаниянинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Компания номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
Компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Компаниянинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

Компанияни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади;

Компаниянинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Компания ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

Компания акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;

амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва “Ижроия органи (Бош директор) тўғрисида”ги низомга мувофиқ Бош директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

10.5. Компания Бош директори қуйидагиларга ҳақли:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

Компания Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Компания Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

ҳақ олиш.

Бош директор бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.6. Компания Бош директорининг мажбуриятлари:

Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Компаниянинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Компания Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

Компаниянинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Компаниянинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Компания аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Бошқарув йиғилишларини ўтказишни ташкил этиш;

Компания таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Компания шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Компанияда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Компанияни малакали кадрлар билан таъминлаш, Компания ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

Компания фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги Низом ва Компаниянинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

10.7. Компания Бош директори ҳар чоракда Компания Кузатув кенгаши олдида Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

Компания Бош директори Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили якунларига кўра Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

10.8. Компаниянинг Бош директорини тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Компания Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

10.9. Компания Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, Компания Уставида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ижроия органи (Бош директор) тўғрисида”ги низомда ҳамда у Компания билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Компания номидан Компания Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Компаниянинг Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

10.10. Компания Кузатув кенгаши Компаниянинг Бош директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

Компания Кузатув кенгаши Компаниянинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у Компания Уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Агар Компания Кузатув кенгаши Компаниянинг Бош директори билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатишга (бекор қилишга) қарор қилса, Компания Кузатув кенгаши Компаниянинг Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлайди.

10.11. Компаниянинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

10.12. Компаниянинг Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

Компаниянинг Бош директори қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Компания олдида жавобгардир.

XI. КОМПАНИЯНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

11.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

Компания тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

бир йиллик давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра хулоса тузиш;

Компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлаш;

Компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Компания Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

Компания тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Компания тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомда белгиланади.

11.2. Компания тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

Айни бир шахс Компания тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Компания тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Компания тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

11.3. Компания тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Компаниянинг ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.4. Компаниянинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақли.

11.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания тафтиш комиссияси

аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) тафтиш комиссияси аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

XII. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

12.1. Компанияни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши мумкин.

12.2. Компаниянинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Компания фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин.

XIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу Уставнинг ҳолатлари бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

13.2. Ушбу Уставда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

13.3. Қимматли қоғозлар бозорига доир қонун ҳужжатларига ушбу Уставнинг ҳолатларига зид келувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатларининг меъёрлари қўлланилади.

13.4. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«SHARQ» NMAK AJ
Бош директори



А.У. Гулямов



MIROBOD TUMAN HOKIMIYATI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATDAN O'TKAZISH
INSPEKTSIYASI
RO'YXATGA OLINDI
2015 y. «06» oy №03-000449

«SHARQ» НМАК АЖ акциядорларининг
навбатдаги умумий йиғилишида
2015 йил «15» июн куни
«ТАСДИҚЛАНГАН»

“SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси акциядорлик жамиятининг
Уставини қонунга мувофиқлаштириш мақсадида киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни

№	Акциядорлик жамиятининг Уставидаги матнлар	Қонунчиликка асосан мувофиқлаштирилган матни
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги №ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا асосан		
1.	10.2. Компания Бош директори белгиланган тартибда Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.	10.2. Компания Бош директори белгиланган тартибда Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Компания Бош директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги №ПФ-4725-сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا асосан		
	3.1. моддасининг 16-хатбошиси ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш.	3.1. моддасининг 16-хатбошиси ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш. Жамият фаолиятида ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирдагина, Жамият хайрия, хомийлик ва бегараз ёрдам билан боғлиқ харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслик шарти билан амалга оширилади;

«SHARQ» НМАК АЖ
Бош директори



А. Гулямов



«SHARQ» HMAK AJ
акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил «23» июндаги қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«SHARQ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

Эски тахрир	Янги тахрир	Ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга асос
<p>4.4. Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.</p>	<p>4.4. Компаниянинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.</p>	<p>ЎЗР 25.04.2016 й. ЎРҚ-405-сон Қонуни</p>
<p>8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Компания Кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Компания Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда белгиланади. <i>киритилди</i></p>	<p>8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Компания Кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Компания Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда белгиланади. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Компания Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.</p>	<p>Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 31.12.2015 йилдаги 9-сон баёни билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”</p>
<p>8.2. Компания ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.</p>	<p>8.2. Компания ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.</p>	<p>Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 31.12.2015 йилдаги 9-сон баёни билан тасдиқланган</p>

Handwritten signature

	<p>Компаниянинг навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши одатда ҳар йили июн ойининг 01 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.</p>	<p>“Корпоратив бошқарув кодекси”</p>
<p>8.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Команиянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш; ... Компаниянинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш; <i>киритилди</i></p>	<p>8.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради: Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Команиянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, Устав фондини ошириш билан боғлиқ масалалардан ташқари ҳолларда; ... Компаниянинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек, жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш; ... ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;</p>	<p>ЎзР 25.04.2016 й. ЎРҚ-405-сон Қонуни</p> <p>Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 31.12.2015 йилдаги 9-сон баёни билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”</p>
<p>9.3. Компания Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради: Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; ... <i>киритилди</i> ... <i>киритилди</i> ...</p>	<p>9.3. Компания Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради: Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; ... акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Компаниянинг веб-сайтида ошқора этилишини таъминлаш); Компания кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Компания ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиши; ...</p>	<p>ЎзР 25.04.2016 й. ЎРҚ-405-сон Қонуни</p> <p>Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 31.12.2015 йилдаги 9-сон баёни билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”</p>

<p>Компания Устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ Компания Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қарор қабул қилиш.</p>	<p>Компания Устав фондини кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ Компания Уставига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.</p>	
<p>9.8. Компания Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, Бош директорнинг талабига кўра чақирилади. ...</p>	<p>9.8. Компания Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, Бош директорнинг ва Компаниянинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади. ...</p>	<p>Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 31.12.2015 йилдаги 9-сон баёни билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”</p>
<p><i>киритилди</i></p>	<p>10.13. Компания акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.</p>	<p>Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 31.12.2015 йилдаги 9-сон баёни билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”</p>

Бош директор



A. U. Guliyev

А.У.Гулямов

«SHARQ» НМАК АЖ
навбатдан ташқари акциядорлар
умумий йиғилишининг
2018 йил «11» майдаги қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

“SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилаётган ўзгартиришлар

Эски таҳрир	Янги таҳрир	Ўзгартириш киритишга асос
<p>4.2. Компаниянинг устав фонди 4 737 719 763 (тўрт миллиард етти юз ўттиз етти миллион етти юз ўн тўққиз минг етти юз олтмиш уч) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1743 (бир минг етти юз қирқ уч) сўм бўлган 2 650 188 (икки миллион олти юз эллик минг бир юз саксон саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 67 953 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияга бўлинган.</p> <p>Компания устав фондидаги таъсисчиларнинг (акциядорларнинг) ҳиссалари ва уларнинг фоизлардаги нисбатлари:</p> <p>давлат улуши – устав фондининг 95 фоизини ташкил қилувчи 4 500 833 862 (тўрт миллиард беш юз миллион саккиз юз ўттиз уч минг саккиз юз олтмиш икки) сўм миқдоридаги 2 582 234 (икки миллион беш юз саксон икки минг икки юз ўттиз тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция;</p> <p>жисмоний шахслар – устав фондининг 5 фоизини ташкил қилувчи 236 885 901 (икки юз ўттиз олти миллион саккиз юз саксон беш минг тўққиз юз бир) сўм миқдоридаги 135 907 (бир юз ўттиз беш минг тўққиз юз етти) дона акция, шундан:</p> <p>67 954 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция, 118 443 822 (бир юз ўн саккиз миллион тўрт юз қирқ уч минг саккиз юз йигирма икки) сўм;</p> <p>67 953 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция, 118 442 079 (бир юз ўн саккиз миллион тўрт юз қирқ икки минг етмиш тўққиз) сўм.</p>	<p>4.2. Компаниянинг устав фонди 4 298 964 831 (тўрт миллиард икки юз тўқсон саккиз миллион тўққиз юз олтмиш тўрт минг саккиз юз ўттиз бир) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1743 (бир минг етти юз қирқ уч) сўм бўлган 2 398 464 (икки миллион уч юз тўқсон саккиз минг тўрт юз олтмиш тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 67 953 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияга бўлинган.</p> <p>Компания устав фондидаги таъсисчиларнинг (акциядорларнинг) ҳиссалари ва уларнинг фоизлардаги нисбатлари:</p> <p>давлат улуши – устав фондининг 94,5 фоизини ташкил қилувчи 4 062 078 930 (тўрт миллиард олмиш икки миллион етмиш саккиз минг тўққиз юз ўттиз) сўм миқдоридаги 2 330 510 (икки миллион уч юз ўттиз минг беш юз ўн) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция;</p> <p>жисмоний шахслар – устав фондининг 5,5 фоизини ташкил қилувчи 236 885 901 (икки юз ўттиз олти миллион саккиз юз саксон беш минг тўққиз юз бир) сўм миқдоридаги 135 907 (бир юз ўттиз беш минг тўққиз юз етти) дона акция, шундан:</p> <p>67 954 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция, 118 443 822 (бир юз ўн саккиз миллион тўрт юз қирқ уч минг саккиз юз йигирма икки) сўм;</p> <p>67 953 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция, 118 442 079 (бир юз ўн саккиз миллион тўрт юз қирқ икки минг етмиш тўққиз) сўм.</p>	<p>ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 05.04.2018 й. 259-ф-сонли фармойиши</p>

Бош директор



А.У. Гулямов

А.У. Гулямов